

УЕФА мусулмонлар билан ўтказиладиган матбуот анжуманида пиво дан воз кечади



14:00 / 28.06.2021 3033

Энди Heineken пиво бутилкалари Евро-2020 матбуот анжуманларида мусулмон футболчилар олдига қўйилмайди. Бу ҳақда УЕФА вакили маълумот берган.

Ушбу қарорни Евро-2020 ҳомийси бўлган пиво маҳсулотини ишлаб чиқарувчининг ўзи ҳам қўллаб-қувватлаган.

AFP га берган изоҳда, футбол мутасадди ташкилотчилари мусулмон футболчилар матбуот анжумани пайтида столларда турган пиво идишларига эътироз билдириб ўтганини таъкидлаган.

Бу Евро-2020 Франция ва Германия терма жамоалари ўртасидаги ўйин (1:0) дан кейин содир бўлган вазият такрорланишига йўл қўймаслик учун

қилинган. Кейин матбуот анжуманига келган француз мусулмон футболчиси Пол Погба столдан бир шиша пивони олиб ташлади. Натижада яна бир мусулмон футболчиси Карим Бензема иштирок этган Франция терма жамоасининг навбатдаги матбуот анжуманида столда пиво шишаси бўлмаган.

Хуршид Маъруф тайёрлади